



ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА КЎРА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЖУМЛАДАН, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАН КУЙИДАГИЛАР ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИГА МУШАРРАФ БЎЛДИЛАР.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Абдусагатов Иноят — Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,

Иноят Навоия Саидазизовна — Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

«Дўстлик» ордени билан

Стенушкина Антонина Николаевна — Миробод туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

«Шухрат» медали билан

Абдуганиева Раҳима — Яқкасарой туманидаги «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,

Ишмухамедова Муаттар Юлдашевна — Учтепа туманидаги Алихонтура Соғуний номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси,

Каюмов Камил Адилевич — Чилонзор туманидаги «Дўмбироқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Маҳалла институтининг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни» мавзусида ташкил этилаётган ўқув-семинарнинг навбатдаги босқичи якунилади.

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Маънавий тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, олимлар, экспертлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари журналистлари иштирок этди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Ахмедов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Республика маънавий тарғибот маркази раҳбари Ғ.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида маҳаллалар фаолияти кўламини ва ваколатларини янада кенгайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган суратлар

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, фаол сармоявий сиёсат хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда. Мазкур йўналишдаги изчил ишлар самарасида мамлакатимиз ички бозори кенг турдаги халқ истеъмоли маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда, экспорт салоҳияти ошмоқда. Бунда юртимизда иш юритаётган қўшма корхоналарнинг ҳам ўрни катта. Тошкент шаҳридаги «Eclair Cosmetic» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир.



2011 йилдан буён фаолият юритаётган «Eclair Cosmetic» қўшма корхонаси мамлакатимиз косметика бозорига мустақам ўрин эгаллаган. Корхонада «Eclair» брэнди остида соч ва терини парваришлаш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Ўттиз тўрт рангдаги крем-бүёк, оксидловчи эмульсия ва рангсизлантирувчи соч воситалари, 60 турдаги шампунь ва балъзамлар, суюқ совун, қўл, юз, оёқ ҳамда болалар кремлари каби маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Корхонамизда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча шарт-шароит яратилган,

САЛОМАТЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ХИЗМАТИДА

— дейди ЎЗА муҳбирига қўшма корхона менежери Эркин Манзуров. — Биз, аввало, маҳсулотларимизнинг сифати алоҳида эътибор қаратамиз. Уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли рухсатномасига эга. Дерматологик ва хавфсизлик кўрсаткичлари сертифицирлаш органларининг тегишли талабларига тўла жавоб беради. Германия, Италия, Испания, Украина, Франция каби мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш жараёни хомашё бозорини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини амалга ошириш асосида олиб борилмоқда. Мазкур жараёнда ингредиентлар жиддий назорат қилинади, қадоқлаш олдидан барча косметика воситасининг физик ва кимёвий кўрсаткичлари чуқур таҳлил этилади. Тайёр маҳсулотларни қадоқлаш учун ишлатилаётган жиҳоз ва ускуналар Италия, Испания ва Германиянинг етакчи корхонала-

ри томонидан ишлаб чиқарилган. Корхона маҳсулотлари юқори сифати билан қисқа вақт ичида харидорлар ишончини қозонди.

Маҳсулотларга талаб тобора ошаётгани туфайли ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ўсмоқда. 2012 йилда корхонада 4 миллион 200 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични беш миллион донага етказиш режалаштирилган. Корхона маҳсулотлари хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

«Eclair Cosmetic» мамлакатимизнинг барча ҳудудида дистрибуторлик тизими эга. Бу маҳсулотларни аҳолига ўз вақтида етказиш, истеъмолчиларнинг компания маҳсулотларига бўлган муносабатини доимий ўрганиш ва маҳсулот сифатини ошириб бориш имконини бермоқда. Шу кунларда қўшма корхонада халқаро сифат сертификатини олиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ИМКОНиятлари ШТИРИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Австриянинг Штирия федерал ўлкасида жойлашган Леобен шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Австриядаги дипломатия миссияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Леобен шаҳар маъмурияти ва жамоатчилигининг вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирда юртимизнинг «ўзбек модели» асосидаги замонавий тараққиётга оид атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди. Бунда мазкур ривожланиш модели туфайли Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари сафидан ўрин олгани ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этолгани билан боғлиқ жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарининг кенг сармоявий имкониятлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, юртимизнинг бой тарихий-маданий мероси ва сайёҳлик жабҳасининг тараққиёти тўғрисидаги ахборотлар ҳам тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўзга чиққан **Леобен шаҳри мэри Курт Вальнер** мазкур шаҳар Австрия тоғ-кон саноатининг марказларидан бири саналишини ҳамда бу ерда металл ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, логистика, озиқ-овқат саноати соҳасидаги йирик компаниялар фаолият юритаётганини айтди.

К. Вальнер Ўзбекистоннинг турли соҳаларда эришган муваффақиятларини юқори баҳолаб экан, Леобен иқтисодий ва маданий-гуманитар жабҳаларда Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини ўрганишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Леобен шаҳри мэрининг маданият ва таълим масалалари бўйича муовини Максимилиан Ягер эса ушбу шаҳарда минерал ресурсларни ишлаш, нефть-газ, металлургия, машина-созлик, саноатда энергетика технологиялари сингари ва бошқа соҳалар учун мутахассислар тайёрлайдиган нуфузли Леобен-Монтань университети жойлашгани хусусида атрофлича тўхтади. Унинг таъкидлашича, мамлакатимиз тоғ-кон саноати учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш соҳасида Леобен-Монтань университети ва Ўзбекистоннинг шу соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртилари ўртасида ҳамкорликнинг ўрнатилиши икки мамлакат муносабатларининг янада кенгайишига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА
Вена



• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида ва жамиятимизда қонун устувор-

лигини таъминлашда сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

• Навоий шаҳрида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омилли сифатида» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда кучли фуқаролик жамияти шаклланишида журналистларнинг фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

• Самарқанд шаҳрида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Бўстонлиқ туманидаги «Ҳожикент» дам олиш масканида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, журналистларнинг хал-

қаро гуманитар ва ҳуқуқ соҳаси бўйича билимларини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.



• «Apple» компанияси сайтига хакерлар томонидан ҳужум уюштирилди. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, ушбу компания айти пайтда мобил алоқа воситалари учун янги дастурлар устида иш олиб бормоқда. Хакерлар улар ҳақида маълумотларни қўлга киритишга уриниб кўрган бўлишсада, бироқ мақсадларига эриша олишмаган.

• Корея Республикасининг Мотхо шаҳридаги давлат денгиз университети олим Сан Хун Ким ҳамда Тэжон шаҳридаги Корея механизмлар ва материаллар институти мутахассиси Сон Хюн Ли ҳам-

корлигида акустик метаматериал ихтиро қилинди. Ушбу гаройиб ойна ҳаво ўтказиш-сиздириш, бироқ товуш ўтказмаслик хусусиятига эга. Зеро, у иккита ялтироқ пластик панелдан иборат бўлиб, панелларга товушни ютиб қолувчи мосламалар жойлаштирилган. Мазкур янги ойна 700-2200 герцга тенг частотали товушни 100-3162 мартага (20-35 децибел) камайтиради.

• Лондонда 2012 йил ўтказилган Ўзг Олимпиада ўйинларидан олинган фойда 15 миллиард долларга етди. Уни ўтказиш учун эса 9 миллиард долларлик маблағ сарфланган эди. Энг муҳими, Олимпиада ўйинларининг ўтказилиши сабабли 31 мингта янги иш ўрни яратилган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Олимпиададан олинаётган даромад 2020 йилга қадар давом этиши мумкин ва натижада умумий фойданинг 60 миллиард долларга етиши тахмин қилинмоқда.

Яккасарой туманидаги «Ракат» маҳалла гузарига Республикамиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

«Ракат» маҳалласи ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда Республика маънавий тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими, Тошкент Давлат педагогика университети мустақил ходимлари, шунингдек, «Ракат», Абдулла Авлоний, Муқимий номли маҳаллалар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигини муносиб қўтиб олишга бағишланган учрашув ва бошқа тадбирлар иштирокчиларининг кўзидида шижоат ва қувонч туйғулари биз мутахассисларни янада ўзгача гайрат ва кўтаринки руҳда ишлашга даъват этади, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсупов. — Режаларимиз катта, мўлжалланган барча тадбирларни ташкилий жиҳатдан юқори савияда уюштиришга ҳаракат қиламиз.

Бундай тадбирлар, учрашув ва маънавий-маърифий суҳбатларнинг ушбу муборак айём руҳида ўтказилаётгани фикримиз далилидир. Мисол учун Энг улуг, энг азиз байрамни муносиб қўтиб олиш мақсадида маҳаллаларда тозалик ва таъмирлаш ишлари ҳам қизғин тус олди.

Маънавият-маърифат тозаликдан, орасталиқдан бошланади, — дейди «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раҳима Абдуғаниева. — Зеро, одатда ҳашар йўли билан қилинадиган бундай ишлар аҳолининг жипслиги, аҳиллиги, қолаверса ёшларимизни меҳнатга жалб этиш ишларини йўлга қўйишда жуда асқотмоқда.

Муҳими, худди шу сингари байрамолди тайёргарлик ишларини тумандаги фуқаролар йиғинларида мунтазам ўтказишга келишиб олинди ва аниқ саналар белгиланди.

Шоира Қўтлибека Раҳимбоева ўзининг ватан ва мустақилликни мадҳ этувчи гўзал шеърлари билан даврага ўзгача кайфият бахш этди.

Зиёда ОРТИКОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Маънавият

ОИЛА — ИБРАТ МАСКАНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг кўргазмалар залида бўлиб ўтган Ижодкорлар клубининг навбатдаги йиғилиши «Оила — менинг кутлуг боғим» мавзуга бағишланди. Унда таниқли ва ёш ижодкорлар, кутубхона фойдаланувчилари, турли касб эгалари, ёшлар қатнашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан шоир ва таржимон Миразиз Аъзам, шоира Қўтлибека, Зебохон, шоирлар Муҳаммад Ғаффор, Шукур Қурбон, Маҳмуд Йўлдошевлар оиладаги муҳит, ибратли оилалар, ижодкорлардан ташкил топган оила, поклик, бағрикенглик, сўз ва иш бирлиги, жамият ва оила, қутлуг боғнинг турмушимизни обод қилишдаги ўрни ҳақида ҳаётий мисоллар асосида фикр юритдилар.

Тарихимизда ўтган машҳур ижодкорлар оиласидан ибратли мисоллар келтирилди.

Анора ФУЛОМОВА



Миллий хунармандчилигимизнинг бетакрор намунаси

Отабек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

ИЛМИЙ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА

«Алоқа ва ахборотлаштириш муаммолари» номли бирлашган илмий семинарнинг навбатдаги машғулотида ҳам кўп масалалар кўриб чиқилди.

«Уникон.Ўз» давлат унитар корхонаси ҳузурида фаолият кўрсатувчи бу доимий семинарда бешга яқин илмий диссертациялар муҳокама қилинди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлашни ривожлантириш, бажа-

рилган диссертациялар натижаларини муҳокама қилиш жараёнида қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бирлашган илмий семинар мақола-ларидан нашрга тайёрланаётган 5 та илмий мақола ҳақида билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, уларни босмага топшириш тавсия этилди.

Шунингдек, ходимлар ишларининг янги илмий-назарий натижалари муҳокама қилинди ҳамда «Ахборот коммуникациялар: Тармоқлар, Технологиялар, Ечимлар» журналарида чоп этишга тавсия этилди.

Ботир АЛИЕВ

«Камолот»

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲИДА — ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор тумани Кенгаши ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Тошкент шаҳар худудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ёзги таътил давомида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қалбида Ватанга меҳр-содқат туйғуларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашдан иборат. Тадбирда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова ҳамда

Чилонзор туманида жойлашган 164-сонли умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Юлдузча» номли ёзги соғломлаштириш оромгоҳида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Театр ва кино — маънавият кўзгуси» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

режиссёр, актриса Зебо Наврўзова иштирок этишди.

Ижодий учрашувда сўзга чиққан «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдиннов ва бошқалар

оромгоҳ тарбияланувчиларига бугунги кунда ҳар бир инсон онги ва унинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришда театр ва кино санъати, шеърининг ўрни катта аҳамият касб этиши ҳақида

Спорт янгиликлари

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

Атланта шаҳрида бўлиб ўтаётган «ATLANTA OPEN» турнирида мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси Денис Истомин илк учрашувини ғалаба билан бошлади.

Денис биринчи даврадаги рақибни словакиялик Лукаша Лацкони 6:1,6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб турнирнинг иккинчи даврасига ўтди.

Иккинчи даврада Денис Истомин жаҳон рейтингда 60-ўринни эгаллаб турган Хитой тайпейлик Йен Сун Лю билан корта тушади.

Мохинур ИСЛОМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

2014 йили Сочи шаҳрида ўтказиладиган XXII қишки Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўраётган фигурали учиш бўйича мамлакатимизнинг энг кучли спортчиси Миша Ге Хитойда ўтган халқаро турнирда ғалаба қозонди.

ҲАМЮРТИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасидан хабар беришларича, Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган «Asian Figure Skating Challenge 2013/2014» халқаро турнирида Миша Ге энг юқори балл жамғариб, олтин медални қўлга киритган.

Энди тажрибали спортчимиз жорий йилнинг 8-12 август кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказиладиган «Asia Open Trophy» халқаро турнирида иштирок этади.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Давлат истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ижрочи истеъмолчидан кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас»

(«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан)

АГАР СИЗГА ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН АСОСИЙ РАВИШДА ОРТИҚЧА ҚАРЗДОРЛИК ҲИСОВЛАНСА, ҲИСОВ-КИТОБЛАР ЭЛЕКТР ҲИСОВЛАГИЧ АСБОБИНИ ҚИЁСЛОВ (СТАНДАРТ) ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛСА, ТЕГИШЛИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯГА ЭГА БЎЛИНГ!



МУРОЖААТ УЧУН:

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Манзил: 100060, Тошкент ш., А. Темура шохқўчаси, 16А-уй.
Ишонч телефони: 233-09-39, www.gki.uz; E-mail: ugki@rambler.ru

— ХУДУДИЙ БОШҚАРМАНING ХОДИМЛАРИ УШБУ МУАММОЛАР ЮЗАСИДАН ТАСДИҚЛАНГАН РЕЖА ҲАДВАЛИГА АСОСАН ФУКАРОЛАРNING МУРОЖААТЛАРИНИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМИДА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 20 август кўни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич олиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қўйидаги мулклар такроран қўйилимқда:

1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2010 йил 18 августдаги 17032/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор туманидаги базада сақланаётган: 1. 1987 йилда и/ч дав. бел. 10 АР 477 бўлган «Маз-5433» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 431 523 сўм. 2. 1987 йилда и/ч дав. бел. 10 С 133 бўлган «Маз-9380» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 128 221 сўм. 3. 1986 йилда и/ч дав. бел. 10 В 152 бўлган «Маз-9380» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 128 221 сўм. 4. 1993 йилда и/ч дав. бел. 10 АЛ 136 бўлган «Москвич-2141» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 946 713 сўм. 5. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 АГ 173 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 965 716 сўм. II. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Капитива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 С 909 ВА бўлган «Капитива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 М 157 ГА бўлган «Капитива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 797 ВА бўлган «Капитива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 393 000 сўм. 5. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 W 272 DA бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 991 413 сўм. 6. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 С 479 КА бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 032 709 сўм. 7. 2012 йил 4 сентябрдаги 1-4878/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 S 197 LA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 194 430 сўм. 8. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 M 002441 бўлган «ISUZU SAZ NP37» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 181 001 сўм. 9. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 01 С 521 КА бўлган «Мерседес Бенц 100D» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 205 350 сўм. 10. 2012 йил 26 декабрдаги 1-347/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 551 QBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 609 700 сўм. 11. 2012 йил 23 октябрдаги 1-680/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 01 С 580 СА бўлган «БМВ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 470 000 сўм. 12. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 G 898 LA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 787 500 сўм. 13. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 W 569 KA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 312 659 сўм. 14. 2013 йил 8 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 30 210 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кўни қолганда соат 16:00 да тўхта-тилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.

**Манзилимиз:
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават,
223-хона.**

Ҳурматли юрдашлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акция-дорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сихатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақдиф қилади.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., С. Азимов кўчаси, 65-уй.

Телефонлар: 233-55-18, 232-67-13, 233-64-92.

Хизматлар лицензияланган

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 741

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9220 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ